

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02. 2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВ БАҲОДИР РАХМОНОВИЧ

**ПНЕВМОНИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА
АНЕСТЕЗИОЛОГИК ЁНДАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.37- Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Акромов Баходир Рахмонович

Пневмония билан касалланган ҳомиладорларда
анестезиологик ёндашувини такомиллаштириш 3

Акромов Баходир Рахмонович

Усовершенствование анестезиологического
подхода у беременных с пневмонией..... 27

Akramov Bakhodir Rakhmonovich

Improvement of the anesthetic approach in pregnant women with
pneumonia..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02. 2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВ БАҲОДИР РАХМОНОВИЧ

**ПНЕВМОНИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА
АНЕСТЕЗИОЛОГИК ЁНДАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.37- Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2963 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матлубов Мансур Муратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сатвалдиева Элмира Абдусаматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабиров Джурабай Марифбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат тиббиёт университети.

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази хузуридаги DSc 04/01 02 2022 Tib 147 01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «27» 05 соат 15 30 ти мажлисида бўлиб ўтди (Манзил 100109 Тошкент, Яннабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй Тел/факс: (+998 55) 503-03-66, e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz)

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишнинг мумкин (9) рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил 100109 Тошкент, Яннабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй Тел/факс: (+99895) 503-03-66)

Диссертация автореферати 2025 йил «24» 05 да куни тарқатилди.
(2025 йил «14» 05 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Ш. Эргашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шифохонадан ташқари пневмония ҳомиладор аёлларда энг кўп учрайдиган ва ўлимга олиб келадиган акушерлик бўлмаган юқумли касалликдир. Ер шарини 2020 йилдан кейин коронавирус COVID-19 пандемияси қамраб олди. Касаллик аввал Хитойда (Ухан шаҳрида) этиологияси номаълум пневмония ҳолатлари билан тарқала бошлади, кейинчалик юқумли пневмония SARS CoV-2 коронавируси туфайли юзага келганлиги маълум бўлди. Касаллик тарихи қисқа вақт бўлганлиги сабабли, SARS-CoV-2 инфекциясининг клиник кечиши, хусусан, уни юқтирган ҳомиладор ва улардан туғилган чақалоқларда касалликнинг клиник кечиши, ҳамда туғруқ хавфи тўғрисидаги маълумотлар ҳали ҳам кам¹. Ҳомиладор аёлларда грипп, коронавирус пневмонияси ва у келтириб чиқарадиган асоратларнинг ривожланиш хавфи юқори бўлиб, пневмонияга чалинган ҳомиладорларда касаллик оғир кечиши, ўткир нафас етишмовчилиги, спонтан аборт, плацента етишмовчилиги, ҳомиланинг антинатал ўлими ва бошқа кўринишдаги оғир асоратларнинг юқори даражаси билан ўзига эътибор тортади. Ҳомиладор аёлларда пневмониянинг оғир даражаси полиорган етишмовчилигининг ривожланиши билан кечади, бу эса аёлларни зудлик билан касалхонага ётқизиш ва постсиндром интенсив терапия негизида хавфсиз туғруқни олиб бориш масаласини ҳал қилиш, пневмониянинг оғир даражаси, нафас етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган гемодинамик бузилиш, газлар алмашинувининг бузилиши, гестация вақтининг чўзилиши каби ҳолатлар хирургик чора-тадбирларни олиб бориш, ҳамроҳ касалликлар ва ҳомиладорликнинг ўзи билан юзага келадиган асоратларни камайтириш, акушерлик ва анестезиологик амалиётнинг «ҳозирги кундаги» долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда пневмония билан касалланган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашувини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳомиладорларнинг турли гестацион даврларида шифохонадан ташқари пневмония оғирлигига қараб нафас олиш тизимининг функционал ҳолатини, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда нафас етишмовчилиги даражасига қараб танланган анестезиологик қўлланмани аёлнинг асосий ҳаётий кўрсаткичларига таъсирини -интра ва эрта операциядан кейинги даврдаги ҳолатини, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда туғруқни абдоминал олиб боришда анестезиологик ҳимоянинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш, ҳамда шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорлардан абдоминал туғилган чақалоқларнинг эрта постнатал адаптацион даври кечишини назорат қилиш тартибини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

¹М.А.Гончарова, Ю. А. Петров 2020. Yang X, Yu Y, Xu J et al. 2020, Pountoukidou A., Potamiti-Komi M., Sarri V., Papapanou M., Routsis E., Tsiatsiani A. M., Vlahos N., Siristatidis C. 2021.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, юқумли ва соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширишмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашувини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7-декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 19-мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонлари, 2018 йил 18-декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23-мартдаги 176-сон «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиёт маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, АҚШ касалликларнинг профилактикасини назорат қилиш давлат департаментининг ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, йилига мавсумий грипп ва нафас йўллари касалликларидан дунё бўйича 650 мингдан ортиқ киши вафот этади. Пневмония оқибатида юз берган ўлим умумий популяцияда 4-ўринни эгаллайди, оналар ўлимининг сабаблари ўртасида эса бевосита учинчи ўринни эгаллайди, шунинг учун шифохонадан ташқари пневмония (ШТП) билан

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хасталанган беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг устувор вазифаларидан биридир. Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда хавфсиз туғруқни олиб боришга қаратилган клиник баённомаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини клиник-функционал асослаш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар бажарилган. Кўпгина тадқиқот натижалари COVID-19 билан хасталанган беморларда ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари ривожланиши хавфи юқори эканлиги тасдиқланди. Ҳомиладор аёллар орасида SARS-CoV инфекциясидан ўлим даражаси 25% гача кузатилди (Yang X, Yu Y, Xu J et al. 2020, Pountoukidou A., Potamiti-Komi M., Sarri V., Papapanou M., Routsis E., Tsiatsiani A. M., Vlahos N., Siristatidis C. 2021.). Бир қатор физиологик ўпка фаолияти ўлчовларини ўрганиш ҳомиладорлик даврида нафас чиқаришнинг заҳира ҳажмининг прогрессив пасайиши, қолдиқ ҳажми камайиши, ўпканинг функционал қолдиқ сигими ҳомиладорликнинг тўлиқ муддатига келиб ўртача 21%га камайганлигини кўрсатган (Г.Л.Игнатова, Е.В.Блинова, В.Н.Антонов, 2015).

Республикамизда С.С. Саидалиев, Д.С. Мирзабаев, М.М. Мадаминов томонидан амалга оширилган COVID-19 эпидемиологияси, Д.Т.Содиқова томонидан COVID-19 ташхислаш ва интенсив терапияси, А.К.Шадманов, Ф.И.Саломова томонидан Ўзбекистондаги коронавирус инфекциясини даволаш усуллари, Ф.Х.Иноятова, Н.А.Вахобова бошчилигида амалга оширилган COVID-19 индуцирлаган нерв яллиғланиш жараёнини ЭЛИ-Н-Тест-12 ёрдамида баҳоланган, бироқ, (2021 йил) пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашуви такомиллаштирилмаган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозиргача ШТП ва нафас етишмовчилиги (НЕ) бўлган аёллар учун абдоминал туғруқни амалга ошириш пайтида оғриқни йўқотишнинг мақбул усулини танлаш бўйича аниқ ва кенг қамровли тавсиялар мавжуд эмас. Анестезиянинг замонавий вариантини объектив баҳолаш, ҳар бир клиник вазиятга нисбатан унинг самарадорлиги ва хавфсизлигини аниқлаш учун илмий тадқиқотлар ва маълумотлар етарли эмаслиги ўрганиш олиб боришни тақозо қилади. Шу сабабли, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда туғруқ вақтида самарали ва хавфсиз оптимал анестезияни таъминлаш учун анестезиологик стратегияни ишлаб чиқиш замонавий анестезиологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000261 «Аҳолининг репродуктив саломатлигини, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлашда янги технологияларни (2014-2023 йилларда) ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда туғруқни абдоминал олиб боришда

анестезиологик ҳимоя самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорларнинг турли гестацион даврларида шифохонадан ташқари пневмония оғирлигига қараб нафас олиш тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш;

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда нафас етишмовчилиги даражасига қараб танланган анестезиологик қўлланмани аёлнинг асосий ҳаётий кўрсаткичларига таъсирини -интра ва эрта операциядан кейинги даврдаги ҳолатини баҳолаш;

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда туғруқни абдоминал олиб боришда анестезиологик ҳимоянинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш;

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорлардан абдоминал туғилган чақалоқларнинг эрта постнатал адаптацион даври кечишини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014 йилдан 2023 йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасининг акушерлик ва анестезиология-реанимация бўлими, №3-сонли Самарқанд шаҳар туғруқхонасида ҳамда Самарқанд вилоят перинатал марказида даволанишда бўлган 210 нафар шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорлар ўрганилиб, уларнинг асосий гуруҳини 200 нафар ҳамда 10 нафари назорат гуруҳини ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорлар даволаш натижалари, ўпка рентгенологик тасвирлари, ҳаётни қўллаб қувватловчи асосий тизимларнинг функционал ҳолатини акс эттирувчи электрофизиологик, функционал ва биокимёвий тадқиқот натижаларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда пневмонияни клиник, электрофизиологик, функционал-биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги бўлмаган ҳомиладорларда нафас сони 14,3% га, I-даражали нафас етишмовчилигида 24,3% га, нафас етишмовчилигининг II даражаси ривожланиши бўлган ҳомиладорларда эса нафас сони 29,8% га ошиши, юрак-қон томир тизими функционал кўрсаткичларининг патологик силжиши пневмония негизидаги нафас етишмовчилиги даражасининг ошиб боришига корелляцион тарзда чуқурлашиши исботланган;

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги бўлмаган ҳомиладорларда кесар кесишда СА ёки ЭА учун маҳаллий анестетикларнинг оптимал миқдорини индивидуал танлаш орқали респиратор ва гемодинамик стабиллик таъминланиши, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган I даражали нафас етишмовчилиги ривожланган

ҳомиладорларда эса бупивакаиннинг паст концентрацияси билан мувозанатлашган ЭА ўтказишда пропофолни 1,5–3мг/кг/соат ёки дексмететомидинни ўртача 0,2-0,7 мг/кг/соат тезлигида инфузия қилиш негизида ноинвазив ўпка вентилизациясининг (НИЎВ) СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш самарали эканлиги илмий исботланиб переоперацион даврда юзага келадиган респиратор ва гемодинамик асоратлар 10,8% га камайишига эришилган;

илк марта шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган II-даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда кесар–кесиш операцияси вақтида умумий анестезия FiO_2 -60-80% кислород узатилиши билан мусбат РЕЕР 5-10 мм.суб.устда ЎСВ ўтказилиши самарали экани аниқланди, операциядан кейин узайтирилган ЎСВни FiO_2 -50-60% миқдорида кислород узатилиши билан давом эттириб, экстубациядан олдин СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш интраоперацион ва операциядан кейинги даврда оғир гипоксияни бартараф этиб, респиратор ва гемодинамик барқарорликни таъминлаши исботланган;

илк марта шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган турли даражадаги нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларга кесар-кесиш операцияси учун индивидуал танланган анестезия усуллариининг янги туғилган чақалоқларга негатив таъсири минимал эканлиги, постнатал адаптацион даврда чақалоқларни ташқи муҳитга тез мослашишини бузмаслиги исботланган, оналарнинг туғруқхонада госпитализация кунини 8 кундан 6 кунгача, янги туғилган чақалоқларнинг неонатология бўлимида сақланиш муддатининг 2 кунга қисқаришига эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги бўлмаган ҳамда I-даражали нафас етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларда кесар-кесиш операцияси вақтида пропофолни 0,3–4 мг/кг/соат ёки дексмететомидинни ўртача 0,2-0,7 мг/кг/соат тезлигида инфузия қилиш билан бирга бупивакаиннинг 0,375%ли паст концентрацияси билан узайтирилган мувозанатлашган ЭА ўтказишни танлаш гемодинамик ва респиратор барқарорлигини таъминлаган;

бупивакаиннинг 0,375%ли паст концентрацияси билан узайтирилган мувозанатлашган ЭА ўтказиш вақтида респиратор қўллаб қувватлаш учун ЎНИВнинг СРАР тартибида мусбат РЕЕР 5-10 мм.суб.устда, FiO_2 -60-80% миқдорида кислород узатилиши интраоперацион ва операциядан кейинги даврда респиратор етишмовчиликни олдини олишга бевосита таъсири мавжудлиги ёритилган;

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган II даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда интраоперацион даврда FiO_2 -60-80% кислород узатилиши негизида умумий кўп компонентли анестезия ўтказилиши операциядан кейинги даврда эса узайтирилган ЎСВни давом эттирилиши оқибатида оптимал анестезиологик ҳимоя таъминланган;

шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган II даражали нафас

етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда операциядан кейинги даврда экстубациядан олдин мусбат РЕЕР 5-10 мм.суб.устда, FiO_2 -50-60% миқдорида кислород узатилиши негизида СРАР тартибида узайтирилган ўпканинг сунъий вентиляциясини давом эттириш оғир гипоксия бартараф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар ва материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллар асосида пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашувини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, олинган хулосалар ва таклифлар шифохонадан ташқари пневмония ҳамда турли даражадаги нафас етишмовчилиги аниқланган ҳомиладорларда аниқ ташхис қўйиш, уларга мақбул анестезиологик ёрдам кўрсатиш ва уни амалга оширишга қаратилган илмий-назарий асосланган ёндашувни шакллантириш, олинган антижаларнинг тиббиёт амалиёти, хусусан, туғруқ муассасаларидаги анестезиология ва реанимация бўлимларида қўлланилишининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса шундаки, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда нафас етишмовчилиги оғирлигини баҳолаш орқали туғруқдан олдинги даврда индивидуаллаштирилган интенсив терапия алгоритмини жорий этиш ва оғирлик даражасига мос равишда анестезиологик ёрдам турини ҳамда маҳаллий анестетиклар дозасини танлаш имконини яратганлиги сабабли, ҳар бир клиник ҳолатда индивидуал ёндашувни таъминлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги бўлмаган ҳомиладорларда нафас сони 14,3% га, I-даражали нафас етишмовчилигида 24,3% га, нафас етишмовчилигининг II даражаси ривожланиши бўлган ҳомиладорларда эса нафас сони 29,8% га ошиши, юрак-қон томир тизими функционал кўрсаткичларининг патологик силжиши пневмония негизидаги нафас етишмовчилиги даражасининг ошиб боришига корелляцион тарзда чуқурлашиши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт Университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 январдаги 19-сон билан тасдиқланган «Шифохонадан ташқари пневмонияси бор ҳомиладорларда анестезиологик ёндашув» номли услубий тавсиянома

мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқ мажмуаси бўйича 12.08.2024 йилдаги 474-сон, Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали бўйича 21.08.2024 йилдаги 130-сон ҳамда Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ мажмуаси бўйича 22.08.2024 йилдаги 657-У-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/49-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги бўлмаган ҳамда I-даражали нафас етишмовчилигидаги ҳомиладорларда ўпка вентиляцияси ва юрак-қон томир тизимининг функционал кўрсаткичларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг пасайиши, II-даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда ўпка вентиляцияси ва юрак-қон томир тизимининг функционал кўрсаткичларининг патологик силжиши юзага келганлигини операциядан олдин аниқлаш орқали даволаш ўтказилиши ҳомиладорлар аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берганлиги билан асосланган. **Иқтисодий самарадорлиги:** шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда пневмония ва ўткир нафас етишмовчилиги даражасини аниқлаш ва операциядан олдинги даврда даволашни бошлаш натижасида операциядан кейинги давр асоратларини камайтишга, даволаш кунини 8 кундан 6 кунгача қисқартириш орқали бир беморга сарфланадиган харажатларни 632858 сўмга иқтисод қилинишига эришилган. **Хулоса:** ШТП билан оғриган нафас етишмовчилигининг II даражаси ривожланган аёлларда эса ташқи нафас кўрсаткичларининг ҳамда юрак-қон томир тизими кўрсаткичларининг кескин пасайиши кузатилган, бу эса операция олдида шошилишч интенсив терапияга эҳтиёжни оширганлиги исботланган.

иккинчи илмий янгилиги: шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги бўлмаган ҳомиладорларда кесар кесишда СА ёки ЭА учун маҳаллий анестетикларнинг оптимал миқдорини индивидуал танлаш орқали респиратор ва гемодинамик стабиллик таъминланиши, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган I даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда эса бупивакаиннинг паст концентрацияси билан мувозанатлашган ЭА ўтказишда пропофолни 1,5–3мг/кг/соат ёки дексмететомидинни ўртача 0,2–0,7 мкг/кг/соат тезлигида инфузия қилиш негизида ноинвазив ўпка вентиляциясининг СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш самарали эканлиги илмий исботланиб переоперацион даврда юзага келадиган респиратор ва гемодинамик асоратлар 10,8% га камайтишга эришилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт Университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 январдаги 19-сон билан тасдиқланган «Шифохонадан ташқари пневмонияси бор ҳомиладорларда анестезиологик ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқ мажмуаси бўйича 12.08.2024 йилдаги 474-сон, Республика

ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали бўйича 21.08.2024 йилдаги 130-сон ҳамда Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ мажмуаси бўйича 22.08.2024 йилдаги 657-У-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/49-сон ҳулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги ривожланмаган ҳомиладорларда спинал анестезия ёки эпидурал анестезия учун маҳаллий анестетикларнинг оптимал концентрацияси ва миқдорини индивидуал танлаш орқали, I-даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда пропофолни 1,5–3 мг/кг/соат ёки дексмететомидинни 0,2–0,7 мкг/кг/соат тезлигида инфузия қилиш билан бирга бупивакаиннинг паст концентрацияси билан мувозанатлашган эпидурал анестезияни ўтказиш ҳамда ноинвазив ўпка вентилляциясининг СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш орқали ҳомиладор аёлнинг орган ва тизимлари ҳаётий кўрсаткичларининг кескин издан чиқишини олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. **Иқтисодий самарадорлиги:** шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги ривожланмаган ҳомиладорларда спинал анестезия ёки эпидурал анестезия учун маҳаллий анестетикларнинг оптимал концентрацияси ва миқдорини индивидуал танлаш респиратор ва гемодинамик стабилликни таъминланиши, шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган I-даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда пропофолни 1,5–3 мг/кг/соат ёки дексмететомидинни ўртача 0,2–0,7 мкг/кг/соат тезлигида инфузия қилиш билан бирга бупивакаиннинг паст концентрацияси билан мувозанатлашган ЭА ўтказиш ҳамда ноинвазив ўпка вентилляциясининг СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш натижасида операция вақтида ҳамда операциядан кейинги даврда асоратларни камайтириб, даволаш кунини 8 кундан 6 кунгача қисқартириш орқали бир беморга сарфланадиган харажатларни 901088 сўмга иқтисод қилинган; **Ҳулоса:** ШТП билан оғриган I даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда бупивакаиннинг паст миқдори билан мувозанатлашган ЭА ўтказиш вақтида НИЎВнинг СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш оптимал бўлиши исботланган.

учинчи илмий янгилиги: илк марта шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган II даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда кесар–кесиш операцияси вақтида умумий анестезия FiO_2 -60-80% кислород узатилиши билан мусбат РЕЕР 5-10 мм.с.у.стда ЎСВ ўтказилиши самарали экани аниқланди, операциядан кейин узайтирилган ЎСВни FiO_2 -50-60% миқдорида кислород узатилиши билан давом эттириб, экстубациядан олдин СРАР тартибида респиратор қўллаб қувватлаш интраоперацион ва операциядан кейинги даврда оғир гипоксияни бартараф этиб, респиратор ва гемодинамик барқарорликни таъминлаши

исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт Университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 январдаги 19-сон билан тасдиқланган «Шифохонадан ташқари пневмонияси бор ҳомиладорларда анестезиологик ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқ мажмуаси бўйича 12.08.2024 йилдаги 474-сон, Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали бўйича 21.08.2024 йилдаги 130-сон ҳамда Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ мажмуаси бўйича 22.08.2024 йилдаги 657-У-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/49-сон ҳулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** илк марта шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган II даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда кесар–кесиш операцияси вақтида умумий анестезия вақтида FiO_2 -60-80% кислород узатилиши билан ЎСВ ўтказилиши ҳамда экстубациядан олдин мусбат РЕЕР 5-10 мм.сув.устда, FiO_2 -50-60% миқдорида кислород узатилиши билан СРАР тартибида ноинвазив респиратор қўллаб қувватлаш интраоперацион даврда гипоксияни бартараф этиши, бунинг натижасида гемодинамик барқарорликни таъминлаши тартиби орқали оғир даражали нафас етишмовчилиги вақтида она ва боланинг саломатлигига бўлган хавфни бартараф этиш тартиби яратилганлиги билан ажралиб турган. **Иқтисодий самарадорлиги:** шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган II-даражали нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда умумий анестезия ва операциядан кейинги даврда узайтирилган ЎСВнинг ўтказилиши ҳамда экстубациядан олдин мусбат РЕЕР 5-10 мм.сув.устда, FiO_2 -50-60% миқдорида кислород узатилиши билан СРАР тартибида ноинвазив респиратор қўллаб қувватлаш натижасида операциядан кейинги даврда нафас етишмовчилиги билан боғлиқ асоратларни камайтириб, даволаш кунини 8 кундан 6 кунгача қисқартириш орқали бир беморга даволаш учун сарфланадиган харажатлар 750858 сўмгача иқтисод қилинган; **Хулоса:** ШТП билан оғриган II даражали нафас етишмовчилиги мавжуд бўлган ҳомиладорларда кесар–кесиш операцияси вақтида FiO_2 -60-80% кислород узатилиши билан ЎСВ негизида умумий кўп компонентли анестезия ўтказилиши, ҳамда операциядан кейинги даврда узайтирилган ЎСВни давом эттирилиши, экстубациядан олдин эса СРАР тартибида респиратор таъминлаш орқали интраоперацион ва операциядан кейинги даврда гипоксия бартараф этилиб гемодинамик барқарорлик таъминланганлиги исботланган.

тўртинчи илмий янгиллиги: илк марта шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган турли даражадаги нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларга кесар–кесиш операцияси учун индивидуал танланган анестезия усуллариининг янги туғилган чақалоқларга негатив таъсири минимал эканлиги, постнатал адаптацион даврда чақалоқларнинг

ташқи муҳитга тез мослашишини бузмаслиги исботланган, оналарнинг туғруқхонада госпитализация кунини 8 кундан 6 кунгача, янги туғилган чақалоқларнинг неонатология бўлимида сақланиш муддатининг 2 кунга қисқаришига эришилганлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт Университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 январдаги 19-сон билан тасдиқланган «Шифохонадан ташқари пневмонияси бор ҳомиладорларда анестезиологик ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқ мажмуаси бўйича 12.08.2024 йилдаги 474-сон, Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали бўйича 21.08.2024 йилдаги 130-сон ҳамда Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ мажмуаси бўйича 22.08.2024 йилдаги 657-У-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/49-сон ҳулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган турли даражадаги нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларга кесар-кесиш операцияси учун танланган анестезия усуллари улардан янги туғилган чақалоқларга негатив таъсирининг минимал эканлиги, постнатал адаптацион даврда чақалоқларни ташқи муҳитга мослашишини бузмаслиги орқали шифохонадан ташқари пневмония ва нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларда хавфсиз ва самарали анестезия усуллари индивидуал аниқлашга ёрдам берганлиги билан изоҳланган. **Иқтисодий самарадорлиги:** шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган турли даражадаги нафас етишмовчилиги ривожланган ҳомиладорларга кесар-кесиш операцияси учун танланган анестезия усуллари улардан янги туғилган чақалоқларга негатив таъсирининг минимал эканлиги, постнатал адаптацион даврда чақалоқларни ташқи муҳитга мослашишини бузмаслиги натижасида операциядан кейинги даврда чақалоқларда ҳам асоратларни камайтириб, даволаш кунини 6 кундан 4 кунгача қисқартириш орқали бир янги туғилган чақалоққа сарфланадиган харажатларни 264684 сўмгача иқтисод қилинишига эришилган. **Хулоса:** ШТП билан оғриган нафас етишмовчилигининг турли даражаси мавжуд бўлган ҳомиладорларга кесар-кесиш операцияси учун танланган анестезия усуллари ва респиратор қўллаб-қувватлаш усуллари улардан туғилган чақалоқларга негатив таъсирининг минималлиги, постнатал адаптацион даврда чақалоқларни ташқи муҳитга мослашишини бузмаслигини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий –амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашувни такомиллаштириш»** деб номланган биринчи боби ҳомиладорларда ўпка-бронх касалликлари учраши, ташхисоти, таснифи, пневмония эпидемиологияси унинг клиник кўриниши ва диагностик мезонлари, ҳомиладорларда ўпка яллиғланиш касалликларининг ўзига хос кечиши, ташхислаш ва даволашда учрайдиган муаммолар, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришда акушерлик ва анестезиологик ёндашув тамойиллари, пневмония негизида ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришда замонавий ёндашувлар, ечимини топишида муаллифлик ёндашуви танланган.

Диссертациянинг **«Пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда анестезиологик ёндашувни такомиллаштириш бўйича тадқиқот материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг дизайни келтирилган ва ушбу тадқиқотга киритилган шифохонадан ташқари пневмонияси бор ҳомиладорларнинг тадқиқотга киритиш мезонлари ва тадқиқотдан четлаштириш мезонлари баён этилган, унга кўра: мезонларига пневмониянинг мавжудлиги, нафас етишмовчилиги белгилари мавжуд эмаслиги, I ва II даражали нафас етишмовчилиги белгилари мавжудлиги, шу билан бирга четлатиш мезонларига эса қуйидагилар киритилди: онкологик касалликлар билан оғриганлар, жиддий неврологик патологияларга эга бўлганлар, III даражали нафас етишмовчилиги ва/ёки септик шок ҳолати мавжуд бўлганлар, оғир даражадаги юрак етишмовчилиги бўлганлар, оғир экстрагенитал касалликлар, жумладан полиорган етишмовчилиги мавжуд бўлганлар ҳамда семизлик даражаси юқори бўлган ҳомиладор аёллар.

Тадқиқотга 2014 йилдан 2023 йилгача бўлган даврларда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида, Самарқанд шаҳар №3-сон туғруқхонасида ва Вилоят перинатал марказларида даволанишда бўлган шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган 200 нафар асосий гуруҳ, ҳамда 10 нафар соғлом назорат гуруҳидаги ҳомиладорлар

киритилди. Аёлларнинг ўртача ёши 18 дан 38 ёшни, ҳомиладорлик гестацион даври 32-41 ҳафтани ташкил этди. Барча шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларнинг анестезиологик ва операцион хавфи, америка анестезиологлар ассоциация (ASA) II-III асосида баҳоланди.

Барча беморлар ШТП ва ЎНЕ оғирлик даражасига кўра 4 гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳ (назорат) — физиологик ҳомиладорликка эга, соматик соғлом 10 нафар аёл (ретроспектив); асосий гуруҳ-200 нафар аёл (2-4-гуруҳлар) проспектив ва ретроспектив ўрганилди.

Шундай қилиб, 2-гуруҳга — ЎНЕ ривожланмаган 78 нафар пневмония билан ҳомиладорлар, 3-гуруҳга — ЎНЕ I даражали 86 нафар, 4-гуруҳга — ЎНЕ II даражали 36 нафар пневмония билан ҳомиладорлар киритилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал


Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларнинг ёшига кўра тақсимланиши

Тадқиқотнинг асосий гуруҳи	Ҳомиладорларнинг ёши, йилларда				
	20 гача	21-30	31-38	>38	Ўртача ≈
Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ўткир нафас етишмовчилиги ривожланмаган ҳомиладорлар (II гуруҳ) (n=78)	8 (4%)	40 (20%)	23 (11,5%)	7 (3,5%)	≈27,8
Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ўткир нафас етишмовчилиги I даражаси мавжуд ҳомиладорлар (III гуруҳ) (n=86)	2 (1%)	43 (21,5%)	27 (13,5%)	14 (7%)	≈29,8
Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ўткир нафас етишмовчилиги II даражаси мавжуд ҳомиладорлар (IV гуруҳ) (n=36)	1 (0,5%)	6 (3%)	18 (9%)	11 (5,5%)	≈33,1
Жами	11	89	68	32	200

Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларнинг клиник ҳолати, ҳомиладорлик муддати ва ҳомиланинг антинатал ҳолатига кўра акушерлик кўрсатмаларига асосан туғруқни олиб бориш усули шошилиш ва режали равишда абдоминал йўл билан олиб борилди.


Тадқиқот вазифаларини бажариш учун тадқиқот дизайни шакллантирилди, бунда шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладор аёллардан кўп марказли рандомизацияланган проспектив ва ретроспектив назоратли тадқиқот гуруҳлари шакллантирилгач, асосий ва назорат гуруҳларига бўлиниб ўрганилди. Тадқиқотда қиёсий таҳлилни ўтказиб унинг ишончлилигини ошириш мақсадида 10 нафар соғлом ҳомиладорлардан 1-назорат гуруҳи шакллантирилди.

Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда акушерлик ва анестезиологик ёндашувнинг шошилиш ёки режали олиб борилиши аёлдаги ҳомиладорликнинг кечиши, ҳомиланинг антенатал ҳолати ҳамда асоратларнинг ривожланишига бевосита боғлиқ эди. 1 ва 2-расмларда шошилиш ва режали операцияларга кўрсатма бўлган ҳолатлар баён этилган.



1-расм. Шошилиш операция учун кўрсатмалар.

Нафас етишмовчилиги белгилари ортиб бораётган ҳомиладор аёллар учун анестезиологик ёндашув индивидуал бўлиб, шифокорлар кенгаши томонидан аниқланди. Тадқиқот гуруҳларида шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган нафас етишмовчилиги мавжуд бўлмаган ҳомиладорларда оғриқсизлантириш мақсадида спинал (СА) ва эпидурал анестезия (ЭА) усуллари қўлланилди



2-расм. Режали операция учун кўрсатмалар.

ШТП билан оғриган ва нафас етишмовчилиги I даражаси мавжуд бўлган ҳомиладорларда оғриқсизлантириш мақсадида спинал (СА) ва эпидурал анестезия (ЭА) усуллари мусбат босимли РЕЕР билан ноинвазив ўпка вентилляцияси (НИЎВ) негизида ўтказилди. ШТП билан хасталанган ва нафас

етишмовчилиги II даражаси мавжуд бўлган ҳомиладорларда операция ўпканинг сунъий вентилляцияси (ЎСВ) негизида кўп компонентли умумий анестезия остида ўтказилди. Интраоперацион даврда ушбу оғриқсизлантириш усуллариининг самарадорлигини баҳолашда клиник кўрсаткичлар, беморларнинг субъектив ҳиссиётлари, шунингдек, ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятининг функционал ҳолатини акс эттирувчи электрофизиологик, функционал ва биокимёвий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқотлар 7 босқичда ўтказилди: 1–дастлабки кўрсаткичлар (текширишнинг 2-3-4 кунларида), 2-шифохонадан ташқари пневмонияни даволаш жараёнида, 3-наркозга кириш боқичида, 4-тери кесилишидан олдин, 5-ҳои́ла чиқариб олинганидан кейин, 6–операция охирида, 7-операция тугаганидан 24 соатдан кейин.

Янги туғилган чақалоқлар ҳаётининг дастлабки 1 ва 5 дақиқаларида умумий аҳволи Апгар шкаласи ёрдамида, ҳамда ҳаётининг дастлабки 1 ва 24 соатдан кейин NACS шкаласи ёрдамида баҳоланди. Тадқиқотда олинган барча рақамли қийматлар статистика усули Pentium-IV персонал компьютерда Microsoft Office Excel дастурий пакетида қайта ишланди. Статистик кўрсаткичлар сифатли аниқланиши учун Пирсон χ^2 критерияси (hi-квадрат) ва z-критерияси асосида ҳисобланди (Гланц С., 1998 йил). Стъудент критерияси (t)ни қўллаган ҳолда гуруҳлардаги тақсимот меъёрини (эксцесс критерияси билан) ва генерал дисперслар тенглиги (F –Фишер критерияси)ни текшириш орқали хатолар хавфини (P) аниқлаш йўли билан вариацион статистика усули орқали қайта ишланди. Бунда $p < 0,05$ бўлган фарқ статистик ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Пневмония билан хасталанган ҳомиладорларда ҳаётий муҳим аъзолар ҳолати ва анестезиологик хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобида патологик жараённинг жойлашуви бўйича рентгенологик таҳлил натижалари келтирилган. 2-гуруҳда икки томонлама шикастланиш кузатилмаган, чунки бу ҳолат оғир пневмония деб баҳоланади. 2019 йилгача ўнг, хусусан пастки бўлак шикастланиши устун бўлган бўлса, 2020 йилдан бошлаб (COVID-19 муносабати билан) 3 ва 4-гуруҳларда икки томонлама зарарланиш кўп учраган(3.1-А,Б,В,Г,Д ва Е расмларга қаранг).



3.1-расм. Чап томонлама пастки бўлакнинг зарарланиши (А)



3.1-расм. COVID-19 да икки томонлама зарарланиш(Б)



3.1-расм. Ўнг томонлама пастки бўлакнинг зарарланиши(В)



3.1-расм. COVID-19 да икки томонлама зарарланиш(Г)



3.1-расм. Ўнг томонлама ўрта бўлакнинг зарарланиши(Д)



3.1-расм. COVID-19 да икки томонлама зарарланиш(Е)

Гестация муддати бўйича 32-41 ҳафталик, шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган, лекин нафас етишмовчилиги бўлмаган (2-чи гуруҳ) ҳомиладорларда ташқи нафас функцияси ва газлар алмашинувини характери физиологик кўрсаткичларга яқин бўлишига қарамасдан, соғлом ҳомиладорлардан фарқ қилди (2-жадвалга қаранг).

ШТП билан хасталанган ҳомиладорларда нафас тизимининг оғир функционал бузилишлари ва газ алмашинуви билан ЎНЕНинг ривожланиши, ўз навбатида, юрак-қон томир тизимига ҳам кўшимча салбий таъсир кўрсатишини объектив параметрларга қараб асослаш мақсадида марказий гемодинамиканинг (МГ) бошланғич ҳолатини ўрганилди.

Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган ҳомиладорда ЎНЕНинг оғирлик даражаси ошган сари марказий гемодинамика гипокинетик тартибда бўлди.

Марказий қон айланишининг гиперкинетик тури камдан-кам ҳолларда, асосан преэклампсияси бўлган ҳомиладорларда, кузатилади. ШТПнинг оғир даражаси билан хасталанган 3 ва 4-гуруҳ ҳомиладор аёлларда систолик ва диастолик қон босимининг 1 ва 2-гуруҳ ҳомиладорларига нисбатан сезиларли пасайиши ($<0,05$), юрак қисқаришлар сонининг сезиларли статистик ошиши қайд этилди.

Соғлом ҳомиладорлар ва шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган ҳомиладорларда нафас функциясининг баъзи кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Соғлом ҳомиладорлар ва шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган ҳомиладорлар гуруҳлари			
	1 гуруҳ (n=10)	2 гуруҳ (n =78)	3 гуруҳ (n =86)	4 гуруҳ (n =36)
НС, дақиқада	16,8±0,8	19,2±1,2	24,2±0,3***^^^	27,3±0,2***^^^
НХ, мл/кг	8,47±0,5	6,72±0,49*	3,36±0,3***^^^	2,46±0,2***^^^
НДХ, мл/дақ/кг	142,8±5,5	127,4±4,9*	81,5±4,2***^^^	79,4±1,9***^^^
ЎТС, мл/кг	76,9±8,1	53,3±6,3*	24,9±2,6***^^^	23,1±1,8***^^^
ЎМВ, л/кг	1,18±0,05	0,83±0,04***	0,38±0,03***^^^	0,28±0,03***^^^
рН.	7,38±0,01	7,32±0,011	7,30±0,012**^	7,24±0,024**^
SpO ₂ , %	97,4±0,6	96,4±0,8*	93,2±0,4***^	89,2±0,3***^
PaO ₂ /FiO ₂ мм.сим.уст	489,7±2,3	376,4± 8,0*	333,6 ± 10,0***^	302,5 ± 20,0***^^^


Изоҳ: * - 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли (* - p<0,05, ** - p<0,01, *** - p<0,001), ^ - 2-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар муҳим (^ - p<0,05, ^^ - p<0,01, ^^ - p<0,001).

ШТПнинг енгил (2-гуруҳ) ва оғир (3 ва 4-гуруҳлар) кечишида зарб ҳажмининг (ЗХ) ортиши юрак қисқаришининг (ЮҚС) компенсатор тезлашиши туфайли юзага келди.

Шундай қилиб, шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган ва ЎНЕнинг I ва II даражаси мавжуд бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг 32-41 ҳафталик гестацион даврида ҳомиладорликнинг асоратланмаганлигига қарамай, ҳаётий муҳим аъзолар тизимларида функционал бузилишлар ривожланади. Ушбу тоифадаги аёлларда марказий гемодинамиканинг гипокинетик тури ва енгил юрак етишмовчилиги шаклланади, периферик қон айланиши бузилади ва қон айланишининг захира имконияти камаяди. Шифохонадан ташқари пневмониянинг оғирлиги, шунингдек, ЎНЕнинг даражасининг кучайиши билан миокарднинг компенсатор фаолияти бузилади, бу эса кўплаб ички аъзоларнинг функциясининг бузилишига олиб келади. Ушбу ўзгаришлар айниқса COVID-19дан кейинги шифохонадан ташқари пневмониянинг оғир шакли ва ЎНЕнинг II даражасида яққол намоён бўлди.

Диссертациянинг «**Пневмония билан хасталанган ҳомиладорлар кесар кесиш операциясида анестезия вариантларининг клиник-функционал-биокимёвий тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган, ҳамда ўткир нафас етишмовчилиги мавжуд бўлмаган (2 гуруҳ, n=78), ўткир нафас етишмовчилиги I даражаси мавжуд (3 гуруҳ, n=86), ўткир нафас етишмовчилигининг II даражаси мавжуд (4 гуруҳ, n=36) тадқиқотнинг асосий гуруҳ аёлларида режали ва шошилиш равишда ўтказилган операцияларда комплекс клиник-функционал-биокимёвий текширишлар мониторинги интраоперацион ва операциядан кейинги даврда ўтказилди. 2-гуруҳ аёлларига операциянинг барча босқичларида назал оксигенация (8-10 л/дақ) негизда 0,5%ли бупивакаинни

(2А гурух) гипербарик эритмаси билан СА ўтказилди, маҳаллий анестетик дозаси субарахноидал юборилганидан 5-8 дақиқа ўтиб тўлиқ сегментар-сенсор-мотор блокаданинг типик белгилари ривожланди ва анестезия 1,5-2 соат давомида сақланиб турди. Бунда сенсор блокаданинг сегменти Th₆-Th₇ дерматома соҳасига тўғри келди. Бу вақтда ЮҚС 1 дақиқада 6-8 мартагача сустлашганлиги, ЎДБ 8-15 мм.сим.уст.гача пасайганлиги кузатилди. Тери кесилганда ва операцион жароҳатга ишлов берилганда беморлар оғриқ сезмасдан, тинч ҳолатда бўлишди. 2Б-гурухда 0,5% бупивакаин билан ЭА назал оксигенация (8–10 л/дақ) негизидан 12–15 дақиқа ичида тўлиқ сенсор-мотор блокадага эришилди; сенсор блокада Th₆–Th₇ даражасини қамраб олди ва 1,5–2 соат сақланди. Жарроҳлик бошланишида ЮҚС 2–4 мартагача, ЎДБ эса 5–10 мм.сим.уст.гача пасайди, аммо бу САдагига нисбатан камроқ намоён бўлди. Қолган ҳолатларда ЭА ва СА клиник кечиши ўхшаш бўлди (4-расмга қаранг).



4-расм. Шифохонадан ташқари пневмония билан хасталанган, нафас етишмовчилиги бўлмаган 2-гурух аёлларда анестезия ва операция босқичида гемодинамика ва периферик қон айланиш кўрсаткичлари.


Ташқи нафас фаолияти кўрсаткичлар ШТП билан хасталанган нафас етишмовчилиги мавжуд бўлмаган аёллар гуруҳидаги кўрсаткичларга мос келди ва пневмония билан оғримаган ҳомиладорлик нормал кечаётган аёлларда кузатилган кўрсаткичларга яқин бўлди. ШТП билан хасталанган ЎНЕ I даражаси бўлган аёлларда (3А, 3Б, 3С-гуруҳлар) РЕЕР мусбат бўлган НИЎВ билан СА ва ЭА варинатлари қўлланилди, марказий ва периферик қон айланишини тавсифловчи операциядан олдинги кўрсаткичлар текширилаётган 3та гуруҳда (3А, 3Б, 3С) ҳам қон айланиши гипокинетик тартибига мос келди. 0,5%ли бупивакаинни гипербарик эритмаси билан СА ва СРАР тартибида FiO₂-60-80% кислород бериб НИЎВ РЕЕР 5-10 мм.сув.уст.да мусбат бўлганда СА варианты ўтказилганида (3А-гуруҳ) анестетик субарахноидал юборилгандан 8-10 дақиқа ўтгач сегментар сенсор – мотор блокаданинг белгилари ривожланди. Аммо, 2А-гуруҳ беморларидан фарқли равишда Th₆-Th₇ дан ўтиб, Th₄-Th₅ дерматомгача бориши кузатилди.

Шуни таъкидлаш керакки, артериал босим, вазопрессор ёрдамни талаб қилувчи даражада пасайганда, минимал дозада мезатон қўлланиб артериал гипотензия бартараф этилди.

